

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ БУНЁДБЕК МУҚИМЖОН ЎҒЛИ

**ФЕРМЕРЛАР ПОПУЛЯЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА
АЪЗОЛАРИДА ПРЕУРОЛИТИАЗ ВА УРОЛИТИАЗНИ БАХОЛАШ
(ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ)**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Абдурахмонов Бунёдбек Муқимжон ўғли Фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиазни баҳолаш (эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари).....	3
Абдурахмонов Бунёдбек Муқимжон угли Оценка преуролитиаза и уролитиаза в популяции Фермеров и среди членов их семьи (особенности эпидемиологии и профилактики).....	22
Abdurahmanov Bunyodbek Muqimjon ugli Assessment of preurolithiasis and urolithiasis in the population of farmers and among their family members (features of epidemiology and prevention).....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ БУНЁДБЕК МУҚИМЖОН ЎҒЛИ

**ФЕРМЕРЛАР ПОПУЛЯЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА
АЪЗОЛАРИДА ПРЕУРОЛИТИАЗ ВА УРОЛИТИАЗНИ БАХОЛАШ
(ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ)**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib.2979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасолиев Неъматжон Солиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор ЎЗРТА Академиги
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент Солиев Кодир Каримович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги - рақамли реестр баённомаси).

Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Р. Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда сийдик тош касаллигининг (СТК) учраши ўсиб бормоқда, унинг негизида рецидивлари ва асоратлари даражаси ҳам кўпаймоқда. СТК юқумли бўлмаган сурункали касаллик бўлиб беморлар ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...юқумли бўлмаган сурункали касалликлардан ҳар йили 30-60 ёшда бўлган 15 млн киши вафот этиши таъкидланмоқда»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... сийдик тош касаллиги 5 фоиздан то 30 фоизгача аҳоли орасида тарқалганлиги ва 50-80 фоиз беморларда рецидивлар тарзида кузатилмоқда, 65-70 фоизи айнан иш қобилияти юқори ёшда (20-65 ёш) бўлган аҳолида аниқланмоқда»². Сийдик тош касаллигининг учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги, касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактика тизимини такомиллаштириш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда

Жаҳонда сийдик тош касаллигини эрта босқичларда ташхислаш, хавф омилларини аниқлаш, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳудудларда бирламчи сийдик тош касаллигини учраш даражасини асослаш ҳамда унинг ривожланишида хавф омиллари таъсирини аниқлаш, сийдик тош касаллигининг ўзига хос клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш, замонавий юқори технологик усуллар ёрдамида ташхислаш, беморларга ёрдам кўрсатиш тизимида скрининг ва мониторинг тадбирлари сифатини ошириш, асоратларини олдини олиш, тиббий-санитария ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда турли минтақаларда ва аҳоли гуруҳларида СТКни Халқаро унифицирланган ва ҳар томонлама эпидемиологик тафсилотларини ҳамда профилактик хусусиятларини аниқлаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни такомиллаштириш борасида мақсадли ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-

¹WHO. WorkKers health: global plan of action. Geneva: Accessed July 9, 2020.<https://www.who.int/occupational-health/who-health-assembly-en-web.pdf?>

² Саенко В. С., Песечов С. В., Вовденко С. В. Современный взгляд на механизмы образования мочевых камней и принципы общей метафилактики мочекаменной болезни // Справочник поликлинического врача. – 2018. - №1. С. 33-38..

қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш... »³ каби вазифалар белгиланган. Бу ўз навбатида сийдик тош касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий технологияларини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Профилактик тиббиётни илмий ва амалий урологияга фаол киритиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борила бошланган (Шевырин А.А. ва б.қ. 2018; Kulikov E.S. et al., 2021; Mehta M. et al., 2016).

Тасдиқланганки, кўплаб давлатларда урологик касалликлардан, улар қаторида СТКдан бўладиган тиббий-иктисодий йўқотиш алоҳида эътиборни торта бошлаган. Преуролитиаз ва уролитиаз муаммоларини ечиб беришнинг истиқболли йўналишларидан бири, шубҳасиз, скрининга асосланган профилактика эканлиги аксарият тадқиқотчилар томонидан яқдиллик билан таъкидланган (Аполихин О.И. ва б.қ., 2017; Гаджиев Н.К. ва б.қ., 2019; Menghan L. et al., 2017) Аммо ушбу йўналишда салоҳиятли хулоса асосан клиник текширувларда қилинган, лекин махсус скрининга асосланмаган ва унинг зарурияти бугунги урологияни эҳтиёжга айланган долзарб мавзу деб ҳамда тан олинди ва эътироф этилди.

Ушбу илмий вазифаларни Ўзбекистон шароитида амалга ошириш Президентнинг қатор қарор ва фармонларида устувор қилиб қўйилган тавсияларни амалга оширишга хизмат қилади. Хозирги кунда преуролитиаз (ПУЛ) ва уролитиаз (УЛ)нинг фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли орасида профилактикасини замонавийлаштириб ва натижавийлаштириб боришда эпидемиологик мониторинг тизимидан фойдаланилмаган ва махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Мазкур диссертация иши юқорида қайд этилган СТК муаммоларини ечиб беришга ва бу борада илмий-амалий юксалишга эришишга, янги ишланма – стратегияларни яратиб беришга йўналтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-201205194-сонли «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларни эпидемиологиясини ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз тарқалиши, эпидемиологияси ҳамда профилактикаси хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз тарқалиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз тарқалишида хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида уролитиаз ва преуролитиаз шаклланишида хавф омиллари таъсирини аниқлаш, уларнинг худудий (эндемик) устуворларини ажратиш ва баҳолаш;

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз ўзига хос профилактикасини такомиллаштириш учун ноинвазив худудий инновацион тавсия ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси Андижон вилояти худудида фермерлик (сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва шолитчилик) фаолияти билан шуғулланувчи 18-70 ва ундан юқори ёшда бўлган 2551 аҳоли гуруҳининг тиббий кўрик маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида преуролитиаз ва уролитиаз бўйича популяция даражасидаги тарқалиш даражаси, хавф омиллари, фермерлар ва уларнинг оила аъзоларининг сўровномалари, тиббий хужжатлар маълумотлари, клиник-лаборатор кўрсаткичлари ҳамда профилактика учун ишлаб чиқилган инновацион модел ва алгоритмлар схемаси самарадорлигини солиштирма таҳлили натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, сўровномали умумклиник, махсус урологик, биокимёвий, лаборатор инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор скрининг натижасида фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида сийдик-тош касаллиги, преуролитиаз, уролитиаз, нефролитиаз, уретролитиаз ва цистолитиаз тарқалиш даражаси юқорилиги, беморларнинг ёшига тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор касалликнинг гендер таҳлилида эркак фермерларда преуролитиаз, уролитиаз, сийдик-тош касаллиги, нефролитиаз, уретролитиаз ва цистолитиазнинг тарқалиши фермер-аёлларникига қараганда ишонарли даражада юқорилиги исботланган;

илк бор скрининг натижаларига кўра фермерлар популяцияси орасида бирламчи уролитиазнинг тарқалиши иккиламчи уролитиазга қараганда камроқ учраши ҳамда эркакларда эса аёлларга нисбатан ишонарли даражада юқорилиги исботланган;

илк бор фермерлар популяциясида преуролитиаз ва уролитиазнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши гиподинамия, дори воситаларини ноҳўй таъсирлари, гиперфосфатемия/урия, гиперурикемия, магнетанкислиги холати, гиперцилиндрурия, коморбидлик ва ирсий мойиллик билан ўзаро тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

илк бор фермер-аҳолида уролитиаз клиник симптомлар (буйрак санчиғи, бел соҳасида оғриқ, ўта кучли оғриқ, диспепсия, гематурия, дизурия, олигоанурия, бош айланиши, брадикардия, буйраклар пальпациясида оғриқни кучайиши) устуворлиги билан кечиши, деярли 90 фоиздан юқори холатларда уролитиаз «соқовли клиник шаклида» кечиши аниқланган;

илк бора фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳолида преуролитиаз ва уролитиазни шаклланиш модели, барвақт аниқлаш ва бартарафлаш алгоритми ва прогнозлаш шкаласи ишлаб чиқилди, амалий фойдаланишга тавсия қилинди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиазни скрининги ва эпидемиологияси асосида СТКни олдини олиш учун ноинвазив инновацион тавсиялар ишлаб чиқилган;

фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли популяциясида преуролитиаз ва уролитиазни чин тарқалиши даражалари аниқланган ва баҳоланган;

фермерлар популяциясида ва уларнинг оиласи аъзоларида сийдик-тош касаллигининг шаклланишига, бевосита ва билбосита алоқадор хавф омиллари аниқланган ва уларнинг худудий устуворлари ажратилган;

фермерлар фаолияти билан шуғулланувчи аҳолида преуролитиаз ва уролитиазни шаклланиш модели, барвақт аниқлаш ва бартарафлаш алгоритми ва прогнозлаш шкаласи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, ижтимоий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ва қилинган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади, касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши беморларнинг ёшига боғлиқлиги, эркак фермерларда фермер-аёлларникига қараганда юқори даражада учраши, бирламчи уролитиазни тарқалиши иккиламчи уролитиазга қараганда камроқ учраши, касалликни гиподинамия, дори воситаларини ноҳўя таъсирлари, гиперфосфатемия/урия, гиперурикемия, магнетанкислиги холати, гиперцилиндрурия, коморбидлик ва ирсий мойиллик билан боғлиқлиги ва деярли 90 фоиздан юқори холатларда уролитиаз «соқовли клиник шаклида» кечиши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиазни скрининги ва эпидемиологияси асосида СТКни олдини олиш учун ноинвазив инновацион тавсиялар ишлаб чиқилгани, касалликни чин тарқалиши даражалари аниқлангани, шаклланишига бевосита ва билвосита алоқадор хавф омиллари аниқлангани ва уларнинг худудий устуворлари ажратилгани, касалликни барвақт аниқлаш ва бартарафлаш алгоритми ва прогнозлаш шкаласи ишлаб чиқилгани, касаллик ривожланишини олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз тарқалиши, эпидемиологияси ҳамда профилактикаси хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фермерлар популяциясида преуролитиаз ва уролитиазни тарқалиши ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари асосида ишлаб чиқилган «Фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиазни баҳолаш модели, башоратлаш шкаласи» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8н-з/310-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши беморларда преуролитиаз ва уролитиаз хавфи пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташҳислаш ва олдини олишга хизмат қилган;

фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиаз тарқалиши, эпидемиологияси ҳамда профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 17 октябрдаги 08-32242-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши беморларда бирламчи преуролитиаз ва уролитиаз тарқалишини эрта ташҳислаш, диспансеризация сифатини ошириш, мониторингини олиб

бориш ва профилактика модели хисобига касаллик асоратларини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 1 услубий тавсиянома, 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Преуролитиаз ва уролитиазни назорати ва профилактикасини замонавий муаммолари. Касбий қирраларини адабий шарҳи»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи скрининга асосланган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш ва сийдик-тош касаллигининг муаммоларини бартарафлашда улардан фойдаланишга замонавий ёндашувлар ҳақида зарур ва муҳим маълумотлар берилган. Преуролитиаз ва уролитиазнинг эпидемиологиясини замонавий популяция даражасида ўрганиш ҳолати ва истиқболли илмий йўналишлари кўрсатилган. Сийдик-тош касаллигининг хатар омиллари эпидемиологияси ва профилактикасини иш омилларига боғлиқ ҳолда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тасвирланган, уларнинг ечими йўллари мушоҳидаланган. Адабиётлар шарҳида фермерлар популяциясида, уларнинг оила аъзоларида превенциоурология мавзусининг долзарблиги ва мазкур диссертация тадқиқотини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Текширилган аҳолининг тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент – популяциянинг умумий тавсифлари ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқот дизайни, предмети ва ташкил қилиш тавсифи. Дизайни бўйича бир вақтли, экспериментал бўлмаган тадқиқот Фарғона водийсининг

Пахтаобод тумани ҳудудида амалга оширилди. Текширув жойи, жўғрофий – иқлимий тавсифи, танланган объекти барча хусусиятлари бўйича Фарғона водийси учун хосдир. Тадқиқотнинг предментини СТКнинг фермерлик билан шуғулланувчи аҳоли даражасидаги тарқалиш частоталари, хатар омиллари, фермерлар ва уларнинг оила аъзолари, клиник кўрсаткичлар ҳамда профилактика мазмунида яратилган инновацион модел ва алгоритмлар ташкил этган. Тадқиқотни ташкил этишда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) мезонлари [WHO, 2020], Россия тажрибаси⁴, АҚШ⁵ ва Финляндия⁶ ҳамда Андижон профилактик тиббиёт мактабида ишлаб чиқилган скринингни амалга ошириш дастури қўлланилди.

Тадқиқотга популяцияни жалб қилиш ва скринингни ўтказиш усуллари. Тадқиқотнинг объекти сифатида фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи уюлмаган аҳоли популяцияси олинди. Тадқиқотга уларни жалб қилишда қуйидагилар ҳисобга олинди [WHO, 2018]: фермерлар популяцияси ўзларининг тавсифи билан бир бутун туман аҳолисини акс эттиради ва улардан олинган эпидемиологик вазиятларни водий кўламида қабул қилиш мумкин; популяция миграцияси деярли йўқ даражада; текшириш жойи билан боғланиш популяция учун ўнғай ва қулай; текширув ҳудудида ва у ердаги фермерларда илгари эпидтадқиқотлар ўтказилмаган; текширув рўйхатига киритилган бўлиб бошқа ерда яшовчилар, бир йилдан узоқ мудат сафарга кетганлар тадқиқотдан четлатилди; махсус ўқитилган мутахассислар орқали тайёргарлик текшируви ўтказилди ва фермер – аҳоли тайёрланди; тайёргарлик текшируви нихоясига етказилганидан кейин скрининг марказида тўлиқ текширув ўтказилди. Пахтаобод туманидаги 11 та массивда яшовчи ≤ 17 ёшли ва фермерлик иши билан шуғулланувчи $\geq 18-70$ ёшда бўлган 2551 аҳоли мутлоқ танлов усули қўлланилиб ажратиб олинди. Рўйхатга киритилганларнинг 2478 нафари (1270 эркалар – 51,2 фоиз ва 1208 та аёллар – 48,8 фоиз) текширувда иштирок этишди. текширув нахорда популяцияни ҳаракатланиш интизомига қайирий риоя қилиниб амалга оширилди: рўйхатхонада рўйхатга олиш, лабораторияда текширувларга материаллар олиш, ЭКГ кабинетида ва ЭхоКГ ҳамда УТТ хоналарида, рентген кабинетида текширувлардан ўтиш, мутахассис – тадқиқотчи хонасида субъектив, жисмоний, махсус ва антропометрик текширувлардан ўтиш, профилактика дастурини тузиб текширилувчига тадқим этиш.

Тадқиқот усуллари ва уларнинг тавсифи. Тадқиқотда сўровномали, биохимик ва инструментал усуллар қўлланилди.

Сўровномали усуллар: текширув пайтида барча аҳоли – популяциясидан тўлиқ анамнез йиғилди, физикал текширувлар ва умумклиник таҳлиллар ўтказилди. «Асосий сурункали юқумли бўлмаган касалликларни ва уларнинг хатар омилларини аниқлаш учун СЎРОВНОМА»дан фойдаланилди (Қаюмов У.К., 2020). Сўровнома ЎзР ССВ этика қўмитаси томонидан тасдиқланган ва эпидемиологик текширувларда қўлланиш учун рухсат берилган. Унда сийдик

⁴ <http://www.pitt.edu/~super1/national/ebcdp.htm>

⁵ www.edc.gov/nccdphp/brfss

⁶ CTNDI HEALTH MONITOR. WNO regional office for Europe. Helsinki: 2001//Peek Ruska et al.

ажратиш системаси, хусусан, СТК ва унинг хатар омиллари (ХО) бўйича тўлиқ эпидемиологик ташхис қўйиш имконияти туғдирилган.

Инструментал текшириш усуллари: эпидемиологик ташхис қўйиш учун ЭКГ, ЭхоКГ, ультратовушли текширувлар, кўкрак қафаси рентгенографияси ультратовушли сканирлаш ва антропометрик ўлчовлар қўлланилди. Улар умумқабул қилинган усуллар бўйича, тиббиёнинг биринчи бўғимида кенг қўлланиладиган, бажарилди ва натижаларидан ташхисий маълумотнома сифатида фойдаланилди.

Антропометрик ўлчовларда тана вазни индекси – Кетле индекси аниқланди ва баҳоланди: тана вазни (кг)/ бўйи (м)² формуласи қўлланилди.

АГ ташхиси БЖССТ тавсифлари ва таснифлари бўйича амалга оширилди [WHO, 1999].

Биохимик текширув усуллари. Барча популяцияда қон, сийдик умумий анализи ва биохимик кўрсаткичлар таҳлил қилиниб ўрганилди. Анализ учун қон эрталаб нахорда, охири оқат истеъмолидан 12 соат ўтказиб олинди.

Қон плазмасида умумий холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ), глюкоза, сийдик кислотаси даражалари, сув-туз ва минерал алмашинуви /қон электролитлари, қон пигментлари ва ферментлари, оксил алмашинуви кўрсаткичлари - маҳаллий тиббиёт муассасалари клиник лаборатория имкониятларидан фойдаланиб аниқланди, натижалари халқаро микёсда қабул қилинган мезонлардан фойдаланиб баҳоланди.

Бундан ташқари махсус кўрсаткичлар бўлганда сийдик йўллари шархий рентгенографияси, урография ва буйраклар томографияси амалга оширилди. СТК хатар омиллари (алиментар омиллар, гиподинамия, кимёвий воситаларни қабул қилиш, генетик мойиллик, дисметаболик бузилишлар ва демографик – ижтимоий омиллар) БЖССТ мезонлари бўйича аниқланди ва баҳоланди [WHO, 2019]. Умумқабул қилинган тавсиялар ва мезонлар бўйича сийдик умумий анализи ва сийдик чўкмасининг микроскопияси ўрганилди, улардан ташхисий мезон сифатида фойдаланилди [Алиева Ю.Г. ва б.қ., 2016].

Уролитиаз ва преуролитиаз урологик текширувлар натижалари асосида қўйилди (биохимик, хроматографик, массапектрофик текширувлар алоҳида кўрсатмалар бўлганда бажарилди). Қуйидагилар бўлганда ПУЛ ва УЛ ташхиси шубҳасиз деб қайд этилди: 1) буйраклар ва юқори сийдик йўллари УТТ йўли билан ташхисланган буйраклар ва сийдик йўллари тошлари; 2) анамнез маълумотлари; 3) буйракда УТТда аниқланадиган сўрғичлар иккрустацияси, косача – жомли системани бўшлиқларида жойлашган тузлар кристаллари (ТК) ва яна, сийдик чўкмаси микроскопиясида топиладиган ТК.

Статистик текширув усуллари. Жамланган маълумотларни Epi Info ҳамда Microsoft office дастурлар жамланмасининг Excel 2021 дастуридан фойдаланиб статистик аҳамияти ўрганилди. Ўрганишда, таъсир этган омил ва оқибат ўртасида боғлиқлик мавжудлигини баҳолашда, биостатистиканинг хавф нисбати, аниқланган хавф нисбатини экстрополяция этиш учун 95% ишонч интервали, қабул қилинган маълумотларни статистик аҳамиятини аниқлаш мақсадида Пирсон мезони бўйича χ^2 ва P ҳисобланди.

Бир омилли таҳлил натижасига кўра, статистик аҳамиятга эга деб топилган барча таъсир омиллари Мантел – Хенселнинг кўп омилли таҳлилида ўрганилди ва экстраполяция учун асосланди. Барча аниқланган хавф нисбати ва 95% ишонч интервалларини “Forest plot” диаграммаларида логарифмик ўсиш даражасида такқосланди. Ўрганилган кўрсаткичлар бўйича аниқланган фарқларнинг статистик аҳамиятини баҳолаш учун Стьюдент мезони (t) қўлланилди.

Диссертациянинг «**Фермерлар популяцияси ва уларнинг оила аъзоларида преуролитиаз ва уролитиазни эпидемиологияси**» деб номланган учинчи бобида ПУЛ ваУЛ ни текширилган контингент орасида тарқалиши хақида маълумотлар келтирилган.

СТКни фермерлар умумий популяциясида тарқалиши 32,2%ни ташкил этади (эркакларда – 32,4%, аёлларда 32,0%; $P>0,05$). Касаллик турли ёш гуруҳларида фарқ билан қуйидаги даражаларда тарқалиш билан аниқланади: ≤ 17 ёшда – 16,7%, 18 – 30 ёшда 22,2% ($P<0,05$), 31 – 49 ёшда – 30,6% ($P<0,05$), 50 – 69 ёшда – 79,0% ($P<0,001$) ва ≥ 70 ёшда – 22,9% ($P<0,05$). Ёш ортиши билан СТКни тарқалиш частотасида 4,9 баробарга етиб кўпайиш қайд этилади ($P<0,001$) ва энг кучли кўпайиш 50 – 69 ёш интервалига тўғри келади.

Тадқиқотлардан кўринадики фермерлар популяциясида ПУЛ тарқалиши частотаси 12,1%ни ташкил қилиб, унга нисбатан 14,6%ни ташкил этиб эркакларда ($P<0,005$) ва 9,5% аёлларда қайд этилади ($P<0,005$). Шундай нисбат (умумий популяциядаги СТКга нисбатан) ва тафовутлар турли ёш гуруҳларида ҳам қуйидагича кузатилади: ≤ 17 ёшда - 8,6% ($P<0,005$) ва 6,5% ($P<0,005$) эркак ҳамда аёлларда, 18-30 ёшда – 12,4% ($P<0,005$) ва 5,4% ($P<0,005$), 31-49 ёшда – 13,8% ($P<0,005$) ва 10,7% ($P<0,005$), 50-69 ёшда – 30,6% ($P<0,005$) ва 21,1% ($P<0,005$), ≥ 70 ёшда – 3,2% ($P<0,005$) ва 2,4%дан ($P<0,005$).

Фермерлар оила аъзоларида, то 17 ёшгача бўлган популяцияда, УЛ ни тарқалиш частотаси 3,0%ни ташкил қилади (ўғил болаларда – 2,9% ва қизларда – 3,2%; $P>0,05$). Умуман, УЛ фермерлар популяциясида 13,6% частотада тарқалиш билан тасдиқланади; эркаклар орасида 16,4%, аёллар орасида 10,7%. Эркакларда, УЛ аёлларга нисбатан 1,2 марта кўпроқ учрайди ($P<0,05$). УЛни “айсберги” 31-49 ва 50-69 ёш оралиғида кузатилади. УЛ тарқалиши ≤ 17 ёшда 3,0%ни ташкил этади, 18-30 ёшда – 7,8% ($P<0,01$), 31-49 ёшда – 12,6% ($P<0,001$), 50-69 ёшда – 40,4% ($P<0,001$) ва ≥ 70 ёшда 10,5% ($P<0,01$).


Бирламчи СТК (БСТК) $\geq 18-70$ ёшли жами текширилганларда 9,7% тарқалиш частотаси билан аниқланди (эркакларда – 12,0% ва аёлларда – 7,3%; $P<0,05$) ва ёшга боғлиқ бўлиб 7,9 тартага кўпайиб (31,4%) тасдтқланади ($P<0,01$).

Иккиламчи СТК (ИСТК) 10,1% фермер аҳолида учрайди, эркакларда – 12,4% ($P<0,005$) ва аёл фермерларда 7,7% ($P<0,005$). 17 ёшгача бўлган оила аъзоларида ИСТК 4,5% тарқалиш билан кузатилади (ўғил болаларда – 5,7%

ва кизлар орасида – 3,2%, $P<0,05$) ва ёшга боғлиқ холда 7,5 баробаргача кўпайиш билан ифодаланади ($P<0,001$).

Нефролитиаз 17 ёшгача бўлганларда 6,1%, $\geq 18 - 70$ ёшлиларда 10,4% частота билан қайд этилади (эркакларда – 12,0% ва аёлларда – 8,7%; $P<0,05$). Касалликка нисбатан катта хатар гуруҳини – 31 – 49 ёш ва 50 – 69 ёш ташкил қилади. Ёшга боғлиқ холда нефролитиаз (НЛЗ) эркакларда 6,4 баробарга ва аёлларда 3,8 баробарга кўпайиш частотаси билан кузатилади. Уретролитиаз (УЛЗ) фермерлар популяциясида - 6,6% частотада тарқалиш билан тасдиқланади (эркакларда – 7,2% ва аёлларда – 6,5%; $P>0,05$). Ёшнинг патоген таъсири аёлларда (УЛЗ - 19,5%га кўпайиш билан аниқланади; $P<0,001$) ва эркакларда (УЛЗ - 17,9%га ёки 7,1 баробарга ортиш билан қайд қилинади; $P<0,001$) ҳам ишончли тасдиқланади.

Цистолитиаз (ЦЛЗ) тарқалиш частотаси $\geq 18 - 70$ ёшли фермерлар популяциясида 14,0%ни ташкил қилади, эркакларда – 16,1% ва аёлларда – 11,8%дан қайд этилади ($P>0,05$). ≤ 17 ёшгача бўлган фермерларнинг оила аъзоларида эса 7,6% частота билан қайд қилинади (ўғил болаларда – 8,6% ва кизларда – 6,5%дан кузатилади ($P<0,05$)). Ёшга боғлиқ холда ЦЛЗ ни кўпайиши эркакларда 40%ни ($P<0,001$) ва аёлларда эса – 21,1%ни ($P<0,001$) ташкил этади.



1-расм. Фермерлар популяциясида уролитиазнинг гендерли хусусиятлари

Диссертациянинг «**Фермерлар популяциясида преуролитиаз ва уролитиаз хавф омилларининг эпидемиологик тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида преуролитиаз ва уролитиаз хавф омилларининг эпидемиологик тавсифи келтирилган. Олинган маълумотларга кўра $\geq 18-70$ ёшли фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида номувофик овқатланиш омили (НОО) 31,6% частотада тарқалиш билан қайд қилинади, эркакларда – 54,9% ва аёлларда – 45,0%ни ташкил этади ($P > 0,005$). Бошқа ХО куйидагича тарқалиш частоталари билан қайд этилади: гиподинамия – 53,0% (эркакларда – 63,0% ва аёлларда – 36,0%, $P < 0,005$), кимёвий воситаларни (дориларни) “ўзбилармончилик” билан қабул қилиш – 68,0% (эркакларда – 57,0% ва аёлларда – 42,0%, $P < 0,005$), алкоголь истеъмол қилиш (АИҚ) – 34,0% (эркакларда – 77,2% ва аёлларда – 22,8%; $P < 0,005$), ирсий мойиллик – 64,1% (эркакларда – 58,2% ва аёлларда – 41,8%; $P < 0,005$), гиперкальциемия (ГКЯ) – 62,3% (эркакларда – 58,4% ва аёлларда – 41,6%; $P < 0,005$), гиперфосфатемия (ГФЯ) – 30,7% (эркакларда – 61,7% ва аёлларда – 38,3%; $P < 0,005$), гиперурикемия (ГУ) 52,8% (эркакларда – 61,7% ва аёлларда – 38,4%; $P < 0,05$), гипомагнемия (ГМЯ) – 30,9% (эркакларда – 62,2% ва аёлларда – 37,8%; $P > 0,005$), гиперцилиндрурия (ГЦУ) – 66,9% (эркакларда – 57,8% ва аёлларда – 42,2%; $P > 0,05$) ва ортикча тана вазни (ОТВ) – 58,3% (эркакларда – 63,5% ва аёлларда – 36,4%; $P < 0,005$). Умуман хулоса қилиш мумкинки, фермерлар популяциясида умумий ХОни тарқалиш юқори даражали кўрсаткичлар билан ифодаланади, гендерли ва ёшга боғлиқ хусусиятларини намоён қилади.

Диссертациянинг «**Фермерлар популяциясида сийдик-тош касаллигининг клиник кечиши хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида СТКга хос клиник аломатлар фермерлар популяциясида алоҳида жиҳатларга эга бўлиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Хусусан, 11 та клиник симптомлар устуворлик қилишади. СТК учун хос бўлган «кўкис буйрак санчиғи» фақат – 8,8% фермер – аҳолида учрайди (эркакларда – 13,1% ва аёлларда – 4,1%) ёки деярли 93,0% холларда у «соқовли» клиник шаклда ифодаланади. Симптомлар 15,2 баробарга етиб фарқ билан учрашади. Улар гендер – ёшли хусусиятларга эга бўлишади, коморбидликни таъсирида шиддатлашиб кучаяди ва буйндай авжланиш фон касалликлар туфайли СТКда 12,8 баробарга ортади ($P < 0,001$).

Диссертациянинг «**Фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида сийдик – тош касаллигини хатар омилларига боғлиқ шаклланиш механизмлари ва жиҳатлари**» деб номланган олтинчи бобида фермерлар популяциясида ПУЛ, УЛ ва СТКнинг ривожланиш хавфини келтириб чиқарувчи “кучли”, ўртача кучга эга ва “нисбатан кучсиз” хатар омиллари ҳақида маълумот берилган. (1-жадвал).

Фермерлар умумий популяциясида СТКни келиб чиқиш ҳавфи

№	Хатар омиллари	RR (ҳавф нисбати)	95% ИО		Chi ²	P
			mini	max		
1	Алиментар хатар омили (НМО)	1,01	0,85	1,22	0,82	>0,05
2	Гиподинамия	1,82	1,53	2,16	107,99	<0,05
3	Дориларни воситалари	0,97	0,81	1,17	0,18	0,67
4	Алкогол истеъмоли	0,34	0,29	0,41	319,14	<0,05
5	Уростаз	0,34	0,29	0,41	319,14	<0,05
6	Ирсий мойиллик	1,03	0,86	1,23	0,23	0,63
7	Гиперкальциемия	1,57	1,33	1,87	57,78	<0,05
8	Гиперфосфатемия	1,12	0,95	1,32	3,71	<0,05
9	Гиперурикемия	1,15	0,97	1,36	5,87	<0,05
10	Гипомагнемия	1,14	0,96	1,35	4,88	<0,05
11	Гипероксалатурия	0,34	0,29	0,41	319,14	<0,05
12	Гиперцилиндурия	1,09	0,92	1,31	2,06	0,15
13	Ортиқча тана вазни	0,34	0,29	0,41	319,14	<0,05
14	Коморбидлик	0,34	0,29	0,41	319,15	<0,05
15	Оксалатурия	1,07	0,90	1,28	1,24	0,27

Булар фермерлик фаолияти билан машғул аҳолида ПУЛ, УЛ ва умуман СТКга нисбатан таъсирчан, самарали ҳамда иқтисодий – тиббий -ижтимоий ахамиятли, “нишонли” профилактика модели ва дастурларини ишлаб чиқишга ва муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.

Исботли кўрсатилдики, бундай фаолият тиббий – иқтисодий самарани 80,0%га етиб оширади.

ПУЛ, УЛ ва СТК ни фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида барвақт ташхислаш, самарали скрининг ва профилактикасини таъминлаш учун 19 та маҳаллий хатар омилларини эътиборга олиниши керак (2-жадвал).

Фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида хатар омилларини ҳисобга олиш билан сийдик тош касаллигини эҳтимолий ҳавфини башоратлаш шкаласи

Таъсир этаётган эпидемиологик хатар омиллари	Касалликларни келиб чиқиш ҳавфи		
	Проуролитиазни (%)	Уролитиазни (%)	СТКни (%)
Ёш гуруҳлари:			
• 18-30	8,9	7,8	22,2
• 31-49	12,3 ^x	12,6 ^x	30,7 ^x
• 50-69	26,2 ^{xx}	40,4 ^{xxx}	81,3 ^{xxx}
• ≥70	2,9 ^{xx}	10,5 ^x	26,7 ^{ИТ}
Жинс:			
• аёллар	9,6	10,9	32,9
• эркаклар	14,7 ^x	16,8 ^x	33,4 ^{ИТ}
• Гиподинамия	25,1	27,1	53,2
• Ортикча тана вазни	21,2	30,2	63,95
• ирсий мойиллик	11,4	10,3	64,08
• Алкогол истемоли	15,8	13,7	37,30
• Коморбидлик	16,1	15,3	49,31
Хатар омиллари	Касалликларни келиб чиқиш ҳавфи		
	Проуролитиазни(%)	Уролитиазни (%)	СТКни (%)
• Дориларни ножўя таъсири	59,7	58,3	68,71
• Гиперкальциемия	55,2	56,1	62,33
• Гиперфосфатемия/урия	48,1	49,7	50,69
• Гиперурикемия/урия	46,4	47,3	52,32
• Гипомагнемия	47,2	45,9	50,94
• Гиперцистинурия	56,6	55,5	65,08

Ушбу бобда исботланган хатар омиллари асосида СТК/ПУЛ/УЛни ўрганиш ва назорат қилиш дастурлари, моделлари, алгоритми ҳамда фармоконазорат усуллари ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида исботланган маълумотлар баён этилади.

Хатар омиллари орасида кучли салбий таъсир этувчилар бўлиб гиподинамия, гиперкальциемия ва ёш, СИКга нисбатан, тасдиқланишади. Улар энг замонавий усул – Мантелб – Хензелнинг кўп омилли тахлилида тасдиқланишади. СТК, ПУЛ ва УЛ нинг даволаш, профилактика амалиётига башоратлаш шкалалари киритилиши ўта долзарб ва амалий ахамияти катта бўлган фаолиятга асос солади. Унинг ташхисий ва профилактик имкониятлари тадқиқотимизда асосланиб кўрсатилди ва тасдиқланиб берилди.

Диссертациянинг “Преуролитиаз, уролитиаз ва сийдик тош касаллигининг фермерлар популяциясида донозологик ташхиси, скрининг ва профилактик модели, башоратлаш шкалалари” деб номланган еттинчи бобида иш натижаларидан келиб фермерлар популяцияси учун яратилган преуролитиазни, уролитиазни ва СТКни касаллик олди ҳолатида ташхиси, скрининги профилактикаси ва башоратлаш моделлари ҳамда шкалалари келтирилган (3,4 ва 5 жадвалларда рақами баён қилинган).

3 – жадвал

Фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида сийдик-тош касаллигининг донозологик ташхис, скрининг ва профилактик математик кўрстакчи

№	Сийдик тош касаллигини шаклланишига бевосита алоқадор хатар омиллари	RR (хавф нисбати)	95% ИО		Chi ²	P
			mini	max		
1	Алиментар омил	1,014	0,846	1,215	0,051	0,822
2	Гиподинамия	1,820	1,531	2,163	107,987	<0,05
3	Дорилар таъсири	0,974	0,812	1,168	0,179	0,672
4	Ортиқча тана вазни	0,844	0,707	1,008	7,783	<0,05
5	Ирсий мойиллик	1,030	0,865	1,227	0,234	0,629
6	Алкогол истемоли	0,409	0,343	0,488	234,175	<0,05
7	Коморбидлилик	0,800	0,590	1,080	7,839	<0,05
8	Дисметоболик					
9	Гиперкальциемия/урия	1,574	1,326	1,870	57,784	<0,05
10	Гиперфосфатемия/урия	1,119	0,946	1,324	3,711	0,054
11	Гиперурикемия/урия	1,152	0,974	1,363	5,874	<0,05
12	Гипомагнемия	1,137	0,961	1,346	4,876	<0,05
13	Гиперцистинурия	1,093	0,915	1,306	2,061	0,151
14	Гиперцитратурия	1,070	0,898	1,276	1,235	0,266
15	Ёш гуруҳлари					
16	18-30	0,83	0,53	1,32	1,05	0,31
17	31-49	1,15	0,88	1,50	0,73	0,39
18	50-69	3,05	1,92	4,84	99,95	<0,05
19	≥70	фокус гуруҳ				
20	Жинс:					
21	эркак	1,01	0,88	1,16	0,02	0,89
22	аёл	0,99	0,86	1,14	0,02	0,88

4-жадвал

Эпидемиологик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда фермерлар ва уларнинг оила аъзоларида уролитиаз хавфини башорат қилиш шкаласи

Таъсир этувчи эпидемиологик хатар омиллари	Касалликларни келиб чиқиш хавфи		
	Проуролитиаз (%)	Уролитиаз (%)	СТК (%)
Ёш гуруҳлари:			
• 18-30	8,9	7,8	22,2
• 31-49	12,3 ^x	12,6 ^x	30,7 ^x
• 50-69	26,2 ^{xx}	40,4 ^{xxx}	81,3 ^{xxx}
• ≥70	2,9 ^{xx}	10,5 ^x	26,7 ^{ИТ}
Жинс:			
• аёллар	9,6	10,9	32,9
• эркаклар	14,7 ^x	16,8 ^x	33,4 ^{ИТ}
• Гиподинамия	25,1	27,1	53,2
• Ортикча тана вазни	21,2	30,2	63,95
• ирсий мойиллик	11,4	10,3	64,08
• Алкогол истемоли	15,8	13,7	37,30
• Коморбидлилик	16,1	15,3	49,31

5 – жадвал

Фермерлар ва уларнинг оила аъзоларида уролитиазнинг урологик ва дисметаболик хавф омилларини башорат қилиш шкаласи

Хатар омиллари	Касалликларни келиб чиқиш хавфи		
	Проуролитиаз(%)	Уролитиаз (%)	СТК(%)
• Дориларнинг ножўя таъсири	59,7	58,3	68,71
• Гиперкальциемия	55,2	56,1	62,33
• Гиперфосфатемия/урия	48,1	49,7	50,69
• Гиперурикемия/урия	46,4	47,3	52,32
• Гипомагнемия	47,2	45,9	50,94
• Гиперцистинурия	56,6	55,5	65,08

Исботландики, водий шароитида ПУЛ, УЛ ва СТК келиб чиқишига бевосита таъсир қилувчи хос хатар омиллари мавжуд. Ушбу хасталикларни фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида барвақт аниқлаш, самарали скрининг ва профилактикасини таъминлаш учун 19та худудий хатар омилларини, мамлакатда амалга оширилган бошқа тадқиқот натижаларидан фарқли ўлароқ^{7,8}, эътиборга олиниши керак. Улар орасида профилактика дастурлари, моделлари, алгоритмлари ҳамда фармоконадзорат усулларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бундай фаолият биз яратган прогноз шкалаларидан аён бўлишича, тиббий – иқтисодий самарани 80%гача оширади ёки даволашни натижавийлиги 50%га етиб ортади, акс ҳолда дорили ятроген самара хавфи СТК билан хар иккинчи беморда сақланиб қолади.

⁷ . Гайбуллаев, А., Кариев, С., & Касымов, С. (2022). Преуролитиаз: состояние местных факторов литогенеза и их сравнение с уролитиазом. Журнал вестник врача, 1(1), 15–21. https://inlibrary.uz/index.php/doctors_herald/article/view/2203

⁸ «Экспериментальная и клиническая урология» №2, 2012 Распространенность урологических заболеваний в регионе Приаралья Акилов Ф.А., Маматкулов Б.М., Худайбергенов У.А., Нуралиев ўгли Т.Ю., Худойбердиев Х.Б., Рахимов М.К. <https://ecuro.ru/journal/rasprostranennost-urologicheskikh-zabolevanii-v-regione-priaralya>

ХУЛОСА

1. Фермерлар популяциясида преуролитиаз, уролитиаз ва сийдик – тош касаллиги кам учрайдиган тасодифий ходиса эмаслиги аниқланди. Популяция даражасида сийдик тош касаллиги – 32,2 фоиз, преуролитиаз – 12,1 фоиз, уролитиаз – 13,6 фоиз, нефролитиаз – 10,4 фоиз, уретролитиаз – 6,6 фоиз ва цистолитиаз – 14,0 фоиз тарқалиш частоталари билан аниқланади.

2. Гендер таҳлиллари шуни кўрсатдики, эркак фермерларда преуролитиазнинг (14,6 фоиз), уролитиазнинг (16,4 фоиз), сийдик-тош касаллигининг (32,4 фоиз), нефролитиазнинг (12,0 фоиз), уретролитиазнинг (7,2 фоиз) ва цистолитиазнинг (16,1 фоиз) тарқалиши фермер-аёлларникига қараганда (ПУЛ – 9,5 фоиз, УЛ – 10,7 фоиз, СТК – 8,8 фоиз, НЛЗ – 8,7 фоиз, УЛЗ – 6,0 фоиз, ЦЛЗ – 11,8 фоиз) юқори ($P < 0,005$).

3. Скрининг натижаларига кўра фермерлар популяцияси орасида бирламчи уролитиазнинг тарқалиши (9,7 фоиз) иккиламчи уролитиазга қараганда (10,1 фоиз) камроқ қайд этилади. Эркаклар орасида бирламчи (12,0 фоиз) ва иккиламчи уролитиазнинг улуши (12,4 фоиз) мос равишда (7,3 фоиз ва 7,7 фоиз) аёлларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Бирламчи ва иккиламчи уролитиазнинг тарқалиши ёшга қараб мос равишда 7,8 мартага (эркакларда 12,3 мартага ва аёлларда 5,1 мартага) ва 7,1 мартага (эркакларда 7,5 баробарга ва аёлларда 5 баробарга) ортади.

4. Биз томондан таҳлил қилинган фермер-аҳолининг репрезентатив намунасида уролитиазнинг хатар омилларини тарқалиши нисбатан юқори ва куйидаги даражаларда аниқланади: номувофик овқатланиш омили – 31,6 фоиз (эркакларда – 54,9 фоиз ва аёлларда – 45,0 фоиз; $P > 0,005$), гиподинамия – 53,0 фоиз (эркакларда – 63,0 фоиз ва аёлларда – 36,0 фоиз; $P < 0,005$), кимёвий воситаларни қабул қилиш – 68,0 фоиз (эркакларда – 57,0 фоиз ва аёлларда – 42,0 фоиз; $P < 0,005$), алкоголь истеъмол қилиш – 34,0 фоиз (эркакларда – 77,2 фоиз ва аёлларда – 22,8 фоиз; $P < 0,005$), ирсий мойиллик – 64,1 фоиз (эркакларда – 58,2 фоиз ва аёлларда – 41,8 фоиз; $P < 0,005$), гиперкальциемия – 62,3 фоиз (эркакларда – 58,4 фоиз ва аёлларда – 41,6 фоиз; $P < 0,005$), гиперфосфатемия – 50,7 фоиз (эркакларда – 61,7 фоиз ва аёлларда – 38,3 фоиз; $P < 0,005$), гиперурикемия – 52,8 фоиз (эркакларда – 61,6 фоиз ва аёлларда – 38,4 фоиз; $P < 0,005$), гипوماгнемия – 50,9 фоиз (эркакларда – 50,9 фоиз, эркакларда – 62,2 фоиз ва аёлларда – 37,8 фоиз; $P > 0,005$), гиперцилиндрурия – 66,9 фоиз (эркакларда – 66,9 фоиз ва аёлларда – 42,2 фоиз; $P > 0,05$), ортиқча тана вазни – 58,3 фоиз (эркакларда – 63,5 фоиз ва аёлларда – 36,45 фоиз; $P > 0,005$).

5. Уролитиаз 11та клиник симптомларни (буйрак санчиғи, бел соҳасида оғриқ, ўта кучли оғриқ, диспепсия, гематурия, дизурия, олигоанурия, бош айланиши, брадикардия, буйраклар пальпациясида оғриқни кучайиши) устуворлиги билан фермер-аҳолида кечади. Унинг учун ўта хос бўлган «буйрак коликаси» фақат 8,8 фоиз беморларда учрайди, деярли 93,0 фоиз ҳолатларда уролитиаз «соқовли клиник шаклида» аниқланади. Клиник

шиддатлашув хатар омили таъсирида 12,8 баробарга ва коморбидлик фониди эса 15,2 баробарга етиб кучаяди.

6. Регрессия таҳлили шуни кўрсатдики, фермерлар популяциясида преуролитиаз ва уролтиазнинг муҳим предикторлари (хавфини оширувчилари) бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар: гиподинамия (хавф нисбати (RR) (95% ИО = 1,819(1,53-2,16), $\chi^2 = 107,98$; $P < 0,05$), дори воситаларини ноҳўя таъсирлари RR (95% ИО) = 0,973 (0,81-1,17), $\chi^2 = 0,178$; $P < 0,05$, гиперфосфатемия/урия [RR(95%ИО) = 1,574 (1,33 – 1,87), $\chi^2 = 57,78$; $P < 0,05$], гиперурикемия [RR (95% ИО) = 1,1189 (0,95-1,32), $\chi^2 = 3,711$; $P < 0,05$], магнетанкислиги холати [RR (95% ИО)=1,1520 (0,97-1,36), $\chi^2 = 5,874$; $P < 0,05$], гиперцилиндрурия [RR (95% ИО)=1,137 (0,96-1,35), $\chi^2 = 4,876$; $P < 0,05$], коморбидлик [RR (95% ИО) = 0,722 (0,61-0,86), $\chi^2 = 30,504$; $P < 0,05$], ирсий мойиллик [RR (95% ИО) = 0,517 (0,43-0,62), $\chi^2 = 131,316$; $P < 0,05$].

7. Фермерлар популяциясида ва уларнинг оила аъзоларида уролтиазни барча турларининг барвақт ташхисотини, скринингини ва профилактикасини самаралаштириш учун 19 та маҳаллий хатар омилларини муҳим аҳамиятлари исботлаб берилди. Уларга кўрилган преуролитиаз ва уролтиазнинг назорат қилиш дастурлари, моделлари, башоратлаш шкалалари ва фармаконадзорат усуллари тиббий-иқтисодий натижавийликни (самара олишни) 80,0 фоизгача етиб оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУРАХМОНОВ БУНЁДБЕК МУКИМЖОН УГЛИ

**ОЦЕНКА ПРЕУРОЛИТИАЗА И УРОЛИТИАЗА В ПОПУЛЯЦИИ
ФЕРМЕРОВ И СРЕДИ ЧЛЕНОВ ИХ СЕМЬИ (ОСОБЕННОСТИ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ И ПРОФИЛАКТИКИ)**

14.00.43 – Профилактическая медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2022.2.PhD/Tib.2979

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мамасолиев Нематжон Солиевич**
доктор медицинских наук, профессор,
Академик АНМ РУз

Официальные оппоненты: **Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич**
доктор медицинских наук, доцент

Солиев Кодир Каримович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский государственный медицинский институт**

Защита состоится «__» _____ 2022 г. в ____⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2022 года).

Х.Х.Турсунов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, доцент

Д.З. Мамарасулова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, доцент

Н.Р. Узбекова

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире растет заболеваемость мочекаменной болезнью (МКБ), на основе чего увеличивается частота рецидивов и осложнений. МКБ является неинфекционным хроническим заболеванием и является одной из серьезных проблем системы здравоохранения, приводящей к снижению качества жизни пациентов. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), "...отмечается, что 15 миллионов человек в возрасте 30-60 лет ежегодно умирают от неинфекционных хронических заболеваний"¹. Согласно информации, предоставленной некоторыми авторами, "...мочекаменная болезнь наблюдается у 5-30% населения и у 50-80% пациентов в виде рецидивов, от 65 до 70% выявляются именно в популяции с высокой трудоспособностью (от 20 до 65 лет)"². Высокий уровень встречаемости мочекаменной болезни, сложность патогенеза, тяжесть последствий заболевания, в свою очередь, обуславливают необходимость его ранней диагностики, организации медицинской помощи и совершенствования системы профилактики, а также его практического применения в медицине.

В мире проводится ряд исследований, направленных на диагностику мочекаменной болезни на ранних стадиях, выявление факторов риска, повышение эффективности лечения и профилактики. В связи с этим важно провести исследования, направленные на обоснование степени распространенности первичной мочекаменной болезни в регионах и определение влияния факторов риска на ее развитие, определение особенностей клинического отторжения мочекаменной болезни, постановку диагноза с использованием современных высокотехнологичных методов, повышение качества меры скрининга и мониторинга в системе ухода за пациентами. Сегодня выявление международных унифицированных и всеобъемлющих эпидемиологических данных и профилактических особенностей МКБ в различных регионах и группах населения является одной из актуальных проблем, стоящих перед специалистами в этой области.

Реализуются целенаправленные и практические меры по улучшению медицинских услуг, предоставляемых населению нашей страны. В связи с этим определены такие важные задачи как "...поддержка здорового образа жизни и профилактики заболеваний путем повышения эффективности, качества и популярности медицинской помощи, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации..."³. Это, в свою очередь,

¹WHO. Workers health: global plan of action. Geneva: Accessed July 9, 2020. <https://www.who.int/occupational-health/who-health-assembly-en-web.pdf?>

² Саенко В. С., Песечов С. В., Вовденко С. В. Современный взгляд на механизмы образования мочевых камней и принципы общей метафилактики мочекаменной болезни // Справочник поликлинического врача. – 2018. - №1. С. 33-38..

³ Указ Президента Республики Узбекистан, от 07.12.2018 г. № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистана»

обуславливает необходимость разработки высокоэффективных современных технологий для ранней диагностики и лечения мочекаменной болезни.

